

## ИЛОҲИЁТ МАСАЛАЛАРИДАГИ НАҚЛИЙ ВА АҚЛИЙ ДАЛИЛЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ АҲАМИЯТИ

*Жаҳонгир Тоҳиров,*

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси  
“Исломишунослик” факультети декани,  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

**Аннотация:** Диний манбаларда инсон тафаккури, шахс ва жамиятга дахлдор кенг қамровли масалалар таҳлили ҳам ўрин олган. Жумладан, ақида ва каломга оид асарларнинг ушбу жиҳатларига кўра фақат дидактик тарғибот доираси билан чегараланган эмаслигини англаш, айниқса, бугун ўта муҳимдир. Каломга оид масалаларнинг фалсафа, мантик, гносеология, онтология, аниқ ва табиий фан соҳаларига ҳам туташ жиҳатлари бор.

**Калит сўзлар:** ақида, калом, илоҳиёт, ақл, нақл, Тажрид ал-калом

Али Қушчининг “Шарҳ Тажрид ал-калом” асаридаги таҳлиллар ақидавий масалаларни фақат фундаментал баён ва ташвиқот қилиш билан чекланмай, илм-фаннинг замонавий ютуқ ва натижалари билан қиёсий синтез ва анализ қилиш заруратини тақозо этади. Зеро, кенг тафаккурли инсоннинг эътиқоди соф бўлиши билан бирга қалби билан қабул қилиб, тасдиқлаган ушбу нақлий ақида асосларига унинг ақли ҳам илмий асосда қаноатланса, асло мутаассиб бўлиши мумкин эмас.

Шунинг учун, калом илмидаги фақат эшитиб, эътиқод қилинадиган масалалар “самъиёт” ёки “ғайбиёт” ёки “нақлиёт”, деб ҳам номланади. Ақлий далилларни қўллаш эса, қўшимча воситалардан ҳисобланади.

Ислом тарихидаги илк бўлинишлар натижасида сунний, шиа ва хавориж каби уч йирик гуруҳ юзага келди. Бунда бўлинишнинг асосий сабаблари сиёсий ва ақидавий масалаларга оид бўлган. Яъни, раҳбарнинг (халифа, имом) шахси, тайинланиши, бошқарув тизими ҳамда имон – мўмин-мусулмонлик мақомининг (статус) шартларини<sup>1</sup> талқин этишда нақлий ва ақлий далиллашнинг ўрни муҳим эди.

Бугунги ихтилофларда ҳам айна шундай ақидавий масалалар бош омил сифатида сиёсий майдонга олиб чиқилмоқда. Чунки, фикҳда асосан, жуъзий-амалий фарқ ва ўзига хосликлар бўлиши табиий. Ақидани нотўғри талқин қилиш орқали эса, минтақадаги бутун мусулмон халқни “кофир”га чиқариш, натижада “оз сонли соф мусулмонларни” давлатга қарши “жиҳод” қилишга, бошқа уруш ўчоқларига “ҳижрат” қилишга даъват қилиш учун жиддий “дастак” топилади.

Суннийлик йўналиши вакиллари “аҳли сунна вал-жамоа”, дея умумий номланиб, унинг таркибида ханафия, шофеъия, моликия, ҳанбалия фикҳий мазҳаблари, шунингдек, мотуридия ва ашъария ақидавий мактаблари шаклланди.

Аҳли сунна олимлари мўътазила, мужассима, жаҳмия, ҳашвия каби тоифаларни диндан чиққан кофир, деб эълон (такфир) қилмаган, балки айрим ноанъанавий

<sup>1</sup> Катта гуноҳ содир этган киши хавориж ақидасига кўра, кофир бўлади, моли ва жони ҳалол саналади, қатл қилиниб, моли байтул-молга мусодара қилинади, меросдан маҳрум қилинади, жаноза ўқилмайди, мусулмонлар мазорига қўйилмайди. Мўътазилага кўра эса, у икки манзил (имон ва куфр) орасида қолади. Чунки, имон калимасини айтгани учун кофир бўлмайди, гуноҳ қилгани ва фосиқлиги сабабли эса, мўмин саналмайди. Аҳли суннага кўра эса, ҳаромни ҳалол санамаса, у гуноҳкор, тавба қилиши мумкин, асло кофир ҳисобланмайди. Чунки, катта гуноҳларга Қуръон ва суннатда муайян жазолар тайинланган, ижро этилса, гуноҳдан фориг бўлади, асло муртад ҳукми берилмайди, қатл этилмайди, мусулмондек, муносабат қилинади.

ихтилофли ақидавий ғояларни илгари сургани сабабли уларни бидъатчи ёки гуноҳкор (осий, фосиқ) мусулмон жамоалар, деб атаганлар. Бу тоифаларнинг ғояларини бугун ҳам кўзгаб, илгари сураётган замонавий вакиллари энди мотуридия ва ашъарияни рўбарўларига қўйиб, мухолиф душман ва қарши томон сифатида нишонга олмоқдалар. Уларнинг айна шу хусусиятлари билан аҳли суннага эмас, балки бидъат тоифага мансуб фирқалар эканликларини тарихий ҳақиқат исботлайди. Чунки, уларнинг ўзлари ҳам, издошлари ҳам, ғоялари ҳам ҳозирда яхлит оммавий шаклда мавжуд эмас.

Мазкур тарихий ва замонавий воқеъликни қуйидагича қиёслаш мумкин. Тарихда суннийлик йўналиши вакиллари аҳли сунна вал-жамоанинг анъанавий эътиқод асосларини нақлий ва ақлий уйғунликда тушунтиришни қўллаб, такомиллаштирган мотуридия ва ашъария ақидавий мактаблари намоёндалари ақлни нақлдан устун қўювчи мўътазила ва айрим файласуфларни (суфастоя), шунингдек, нақлни айнан юзаки (зоҳирий) талқин этувчи ҳашвия, мужассима, жаҳмия, кабиларни ўзларига мухолиф, деб ҳисоблаганлар.

Бугун эса, “салафия” (илмий эмас, шартли) номи билан ўз сатҳий қарашларини тарғиб қилаётган ғоявий ҳаракатлар (муайян ташкилот эмас, ўзаро зиддиятли жамоалар) ўзларини “асл аҳли сунна”, деган даъвои эълон қилмоқдалар. Мотуридия ва ашъарияни нақлдан ақлни устун қўяди, деб, мўътазила, жаҳмия ва муаттила (тарихда бўлган, ҳозир йўқ) ақидасида эканликда айблаб, “Мотуридиянинг ваҳий борасидаги манҳаж ботил ва фосиддир”<sup>2</sup>, деб даъво қилишмоқда. Ўз навбатида мотуридия ва ашъария олимлари эса, “салафия”ни улардаги мутаносиб ғоялар ва ўхшаш услубларга кўра, мужассима ва ҳашвия ақидасида эканликларини фош этишмоқда.

Шунингдек, ислом илмларининг шаклланиши ва ривожланишига қаралса, тарихий-тадрижий тарзда қуйидан юқорига томон такомиллашиб борган. Масалан, ҳижрий I асрда 1 та мавзуга оид таҳминан 5 та оят нозил қилинган бўлса, уларнинг шарҳига оид ўнлаб ҳадислар ворид бўлган. Улар қандай тушунилгани ва амалда қандай қўллангани ҳақидаги саҳобаларнинг қавллари эса, ундан ҳам кўпроқ нақл қилинган. Тобеин ва табаа-тобеин, сўнгра муҳаддисгача ўнлаб туруқ (санад йўллари) орқали такрорий шаклда миллионлаб ҳадислар тўпланган. Фақиҳлар улардан чиқариб (истинбот), кўплаб ижтиҳод ва фатволарни ишлаб чиққанлар. Уларни амалда тадбиқ қилишда эса, шарт-шароитлар, одамларнинг фаҳми ва урфи ҳам назардан четда қолмаган. Улар ҳақида юзлаб асарлар, уларга шарҳ, ҳошия, таълиқ, талхислар битилган, минглаб замонавий таҳқиқ (танқидий нашр) ва тадқиқотлар амалга оширилган ҳамда оширилмоқда.

Фиқҳ ва ақидага оид мазкур жараён ва манбалардан беҳабар тарзда, уларни эътиборга олмай, бирор масалани талқин қилиш илмий холислик ҳисобланмайди.

Замонавий “салафий” тоифаларда эса, бунинг тамомила аксини кузатиш мумкин. Уларнинг кўпинча ишлатадиган иборалари қуйидагича: “ҳижрий III асргача бу сўзни ҳеч ким айтмаган, ақлий далилни ишлатмаган, тафвиз ва таъвил қилмаган, китобни (масалан, *ал-Фиқҳ ал-акбарни Абу Ҳанифа*) ўз қўли билан ёзмаган, усул ва мазҳаб шарт эмас, оят ва ҳадисларнинг фақат зоҳири олинаваради, барча салафда битта манҳаж бўлган, фақат нақлий далил билан кифояланган”<sup>3</sup>.

“Салафий” лар кўпинча таянадиган, ханбалий имомлардан Ибн Қаййим Жавзия (ваф. 751/1381 й.) ҳам бундай юзаки ёндашувлар хато эканлигини таъкидлаб, шундай ёзган: “Кимки китоблардаги фақат нақл келтирилган нарса билангина одамларга фатво берса-ю, уларнинг урф-одат, замон, макон, ҳол-аҳвол каби вазиятларидаги турлича

<sup>2</sup> Муҳаммад б. Абдурахмон Хумаййис. Мотуридия куллобиянинг асрандиси. Электрон нашр, -Б.4.

<sup>3</sup> Алоуддин Бухорий. Мулжима.-Б.4-5.

фарқларни эътиборга олмаса, у ўзи ҳам қаттиқ адашиб, бошқаларни ҳам адаштирган бўлади. Унинг динга нисбатан жинояти юрт, одат, замон ва табиат каби вазиятлардаги турлича фарқларни эътиборга олмай, одамларнинг баданларини табобат китоблари асосида даволашга уринаётган кишининг жиноятдан ҳам оғир. Бу жоҳил табибдир. Одамларнинг баданларидан ҳам кўра уларнинг диёнатларига жоҳил фатво берувчи кўпроқ зарар келтиради”<sup>4</sup>.

Барча замонларда ҳам баҳслар объекти бўлган ақидавий масалалар, хусусан, Аллоҳнинг сифатлари масаласини таҳлил қилиш долзарб аҳамиятга эга. Чунки, у тарихда ҳам, ҳозирда ҳам нафақат диний муҳокамаларга, балки ижтимоий-сиёсий ихтилофларга ҳам сабаб бўлган масалалардан биридир. Бу масалада турли мазҳаб ва гуруҳлар ўзларининг мутлақ ҳақлиги даъвоси билан мухолиф томонларни кофирликда айблаган. Пировардида жамиятда қарама-қарши томонлар ўртасида ўзаро низолар авж олган.

Мазкур масалани нақлий ва ақлий жиҳатдан далиллашда, нақлий ва ақлий усулларни қўллашнинг тарихий ва замонавий илмий асосларини тадқиқ этишда аҳли сунна олимларининг асарлари, жумладан, Али Қушчининг “Шарҳ Тажрид ал-калом” асари манбавий асос бўлиб хизмат қилади.

Асарнинг биринчи ва иккинчи (мақсад) қисмларида, асосан, оламни англашга оид умумий масалалар, жавҳар ва араз мавзулари таҳлил этилиб, учинчи (мақсад) қисми илоҳиёт масалаларига бағишланган. Аввало, “Яратувчи (борлиги)ни, унинг сифатлари (собитлиги)ни ва осор(таъсир)ларини исботлаш”, деб номланган ушбу бўлимда “вожиб ал-вужуд” назариясини ақлий-мантиқий таҳлил қилиш билан бошланади. Унга кўра, “барча мавжудотни илк азалий Яратувчиси бор бўлишининг “вожиб”лиги – зарурий<sup>5</sup> (аксиома)дир. Акс ҳолда, у мавжудотнинг “тасалсул”<sup>6</sup> (силсилавий) иштирокчисига айланиши “вожиб” (тақазо этган) бўлар эди. Оламнинг эса, йўқдан бор (ҳодис) қилинишининг ўзиёқ унинг “вожиб” бўлиши зарурийлигини бекор қилади (яъни, “вожиб” эмас, “мумкин” бўлади)”<sup>7</sup>.

Мотуридийда ҳам шундай ақлий-мантиқий далиллаш услубини кўриш мумкин: “Олам жавҳар ва аразлардан иборат. Жавҳарлар аразлардан асло ажралмасдир. Аразлар ҳодис (йўқдан бор қилинган) дир. Ҳодисдан ажралмайдиган нарсанинг ўзи ҳам ҳодис бўлади<sup>8</sup>. Демак, олам ҳодисдир. Оламдаги жисмлар ўз-ўзидан жамланмайди ёки ажралмайди. Демак, уларни ғайри табиий бошқариб турадиган Қоҳир Зот бор эканлиги чорасиздир. У эса, Аллоҳ таолодир”<sup>9</sup>.

Ғаззолий ҳам шу ақидани қувватлайди: “Аллоҳ жисм эмас, тасвирланган ҳам эмас, чегараси ва миқдори бор жавҳар ҳам эмас, ўлчовда ҳам, қисмларга бўлиниш жиҳатидан ҳам жисмларга ўхшамайди, жавҳар эмас, жавҳарлар унга сингмайди, араз ҳам эмас, аразлар унга сингмайди, мавжуд нарсаларга ўхшамайди, мавжуд нарсалар ҳам унга ўхшамайди, ўз зотида ақллар билан топса бўладиган маълумдир”<sup>10</sup>.

<sup>4</sup> Ибн Қаййим Жавзия. Иълум ал-муваққиъин ён раб ал-оламин. -Байрут: Ж.З., -Б. 548-549.

<sup>5</sup> Чўқур мушоҳадасиз ҳам, бир қарашда билинадиган дастлабки маълумот – “зарурий илм”, дейилади. Масалан, ҳар бир нарса ўзининг бир бўлагидан кўра катта экани каби.

<sup>6</sup> Тасалсул ва давр – мантиқ илмида мавжуд бўлишда бир-бирига муҳтож бўлган икки нарсани англатади.

<sup>7</sup> Собир Абдуҳ. Шарҳ ал-Қушжий ало Тажрид ал-ақоид ли ат-тусий, мабҳас ал-Илоҳиёт.- Искандария: Дор ал-вафо, 2002.-Б.4/49; Али Қушчи “Янги шарҳи” га Даввонийнинг “Янги ҳошия”си. Гарвард университети кутубхонаси. Қўлёзма №OL22800.10.5F. 1301/1884 й. электрон нусха. -Б.5.

<sup>8</sup> Мотуридий. Китоб ат-тавҳид.-Ж. 1., -Б. 11-13.

<sup>9</sup> Мотуридий. Китоб ат-тавҳид.-Ж. 1., -Б. 17-19.

<sup>10</sup> Абу Ҳомид Ғаззолий. Ал-Арбаъин фи усул ад-дин. – Дамашқ: Дор ал-қалам, 2003. – Б. 18-19.

Али Қушчининг замондоши, машхур ҳанафий олимлардан Алоуддин Бухорий ҳам у каби тасалсул ақидасини танқид қилади: “Тасалсул – сифатларнинг Аллоҳда вақт ўтиши билан кетма-кет собит бўлиб борганлиги ҳақидаги ғоя – Ибн Таймия айтган энг хатарли ва оғир масалалардан бири бўлиб, у мазкур ботил ақидани салафларнинг мазҳаби сифатида тақдим этган. Аслида мазкур қавлнинг салафи солиҳларга мутлақо алоқаси йўқ. Бу унинг ҳамда айрим мужассималарнинг маҳзаби саналади. У мазкур назарияга асосланиб, илоҳнинг сифатларига ҳодисликни нисбат беради. У илгари сурган ақидага кўра, калом, ғазаб, ризо каби сифатлар Аллоҳ таолонинг қадимий (азалий) феъллари бўлиб, сўнг қудрати ва иродаси билан уларни Ўз зотида пайдо қилади. У мазкур сифатларни Аллоҳ таоло бирма-бир эришадиган камолий сифатлар, деб ҳисоблайди”<sup>11</sup>.

Шунингдек, Ибн Таймия: “Аллоҳ таолонинг эҳтиёжга далолат қилувчи сифат ва маънолар билан васф этилмайди, У Зотнинг (қўл, юз, кўз каби) айний сифатлардан иборат бўлиши эҳтиёж ва мумкин ал-вужудликни тақазо этмайди”, деган даъвони қилади ҳамда “Илоҳнинг аъёнлардан таркиб топиши муҳтожликни ва мумкинликни тақазо қилади”, деювчиларга қатъий қарши туради<sup>12</sup>.

Али Қушчи ва унинг замондоши Алоуддин Бухорийнинг юқоридаги “тасалсул, вожиб ва ҳодис” ҳақидаги ақлий-манتيқий таҳлиллари Ибн Таймиянинг мазкур қарашларини рад қилади.

Шунингдек, Али Қушчи “Шарҳ Тажрид ал-калом” асарида Қуръон ва суннатдан (69 та сурадан 216 та оят, 50 дан ортиқ ҳадислар) нақлий далил келтиради. Аввало, ақидавий масалаларни ақлий-манتيқий усулда ҳам баён қилади. Чунки, ақлий далилни биринчи келтиришнинг сабаби, яратувчининг китоби ва рисолатидаги (дин, пайғамбар) нақлни келтиришдан аввал унинг ўзи борлигини ақлан исбот қилиш манتيқан тўғри бўлади. Тарихдан маълумки, қадимдан бирор халқ ё миллат худога эътиқодсиз бўлмаган. Шунинг учун илк даврлардаги (II/VIII аср) ақида ва каломга оид асарларда, масалан, Абу Ҳанифанинг “ал-Фикҳ ал-акбар” асарида худонинг борлиги эмас, балки ягоналиги ҳақидаги масалалар билан бошланган ва сўнгра тавҳид асослари баён этилган. Кейинчалик, бошқа дин ва фалсафалар ҳамда уларнинг вакиллари, ғоялари мусулмонлар орасида кенг ёйилиши натижасида, калом илмига оид асарларнинг бошланиш қисмидаёқ аввало, яратувчининг борлигини ақлий-манتيқий мушоҳада йўли билан далиллашга киришилган, ундан сўнг нақлий далил келтиришга ўтилган. Ушбу хусусият Али Қушчининг “Шарҳ Тажрид ал-калом” асари учун ҳам хосдир.

Фалсафий ва метафизик масалаларга калом илмида ақлий-манتيқий усулда жавоб бериш учун мана шундай ёндашувлар юзага келган. Ҳозирда ҳам атеизм ва агносцизм тарғиботлари миллий ва диний кадриятларга таҳдид бўлиб, пайғамбарлик даъвоси билан оддий инсонларни адаштиришга уринаётган шахслар, миссионерлар ҳам учраб турибди. Шунинг учун калом илмидаги энг асосий ушбу иккита бош масала – “илоҳиёт” ва “нубувват” ҳозирга қадар ҳам ўз илмий ва амалий долзарблигини йўқотмаган.

Али Қушчи асарда калом илмига таъриф бериб, унда нақлий далил ва ақлий тафаккурнинг ўрнини шундай баҳолайди: “Калом илмидаги энг олий (биринчи) матлаб (талаб) ва энг қуйи (сўнги) мақсад бу – мубдиъ (аввал бошдан яратувчи худо) ва маъод (қайтиш жойи, қиёмат)нинг ҳолатлари ҳақидаги илмдир. Уларни исбот қилишда якка ақлнинг ўзи кифоя қилмайди, балки унда ушбу илмни эшиттирувчи ва илоҳиёт маърифатини ўргатувчи (шахс)га кулоқ тутиш эҳтиёжи ҳам бор. Бу пайғамбар эканига

<sup>11</sup> Алоуддин Бухорий. Мулжима. -Б.б.

<sup>12</sup> Ўша манба. -Ж.46.

иттифоқ қилинган, баъзилар наздида эса, имом ҳам. Ақл – мумкин(олам)нинг ҳолатлари ҳақидаги изланишлардан фақат истинбот қилади (хулоса чиқаради)”<sup>13</sup>.

Ушбу қарашлар мотуридия мактабига айна мувофиқдир. Бу мактабнинг йирик намояндalarидан бўлган Абу Ҳафс Умар Насафий ўзининг машҳур “ал-Ақоид ан-насафия” асарида Мотуридийнинг “Китоб ал-Тавҳид” асаридаги фикрларни<sup>14</sup> такрорлайди: “Ашёларнинг ҳақиқатлари собит (моҳияти бор) дир. Илм (яқиний билиш) нинг сабаб (восита) лари учта: соғлом сезги аъзолари (5 та), ишончли (содик) хабар (нақл) ва ақл”<sup>15</sup>.

Насафий “илмнинг сабаблари”, деганда, калом илмида заррача ноаниқлик бўлмаган, юз фоиз аниқ бўлган “яқиний илм”ни ва унга олиб борувчи саҳиҳ сабаб-воситаларни назарда тутган. “Ишончли (содик) хабар” – нақлий далил, деганда ёлғондан ва зонний хабардан (санади саҳиҳ бўлган тақдирда ҳам) ҳазир бўлишни таъкидлайди<sup>16</sup>.

Ҳадисшунос олимлар наздида аксар хабарлар санади саҳиҳ бўлса ҳам “субути зонний” ҳисобланади. Чунки, зонний деганда, мутавотирлик даражасига етмаган хабарлар тушунилади. Оҳод саҳиҳ ҳадис билан фаръий (жузъий, кичик) ақида собит бўлади. Аммо, аслий (рукний, куллий, катта) ақида масалаларида эса, мутавотир хабар бўлиши шарт қилинади. Чунки, оҳоднинг субути зоннийдир, мутавотирники қатъий бўлади. Демак, оҳод хабар билан исботланган фаръий ақидавий масаланинг даражаси, мутавотир хабар билан собит бўлган аслий ақидавий масаланинг даражасида бўлмайди. Лекин, у асло инкор қилинмайди. Инкор қилган киши тақфир ҳам қилинмайди.

Чунки, исбот қилиш учун далил зарур бўлгани каби инкор қилиш учун ҳам далил зарур бўлади. Далил бўлмаса, саҳиҳ оҳод ҳадисни ва унинг сиқа (ишончли) ровийларини инкор қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Лекин, зоннийлик ёки қатъийлик даражасига кўра тасдиқланади<sup>17</sup>.

Қуръон ва суннатда фақат эшитиш (самъиёт) орқали имон-эътиқод билан қабул қилинадиган, савол ва эътирозсиз ишониладиган “ғайбиёт”га оид масалалар ҳам бор. Чунки, метафизик ва эсхатологик масалаларга бўлган эътиқод ҳиссини физик қонуниятларга бўйсундириб ҳамда баҳо бериб бўлмаслиги ҳам маълумдир. Масалан, ишонч, кўрқув каби туйғуларнинг ҳажми, оғирлиги каби миқдорини ўлчашнинг имкони йўқ. Сабаби, метафизик қарашлар кўпинча, нақлий ва эътиқодий асосларга таянади, физик қонуниятлар эса, асосан, ақлий-назарий ва амалий тажрибаларга таянади. Уларнинг умумий ва фарқли жиҳатлари мавжуд, албатта.

Нақл билан қониқмайдиган, мантиқий ечим талаб қиладиганларга эса, қониқарли жавоб бериш мақсадида ақида ва калом илми олимлари уларнинг услубларидан ҳам фойдаланганлар. Чунки, ақл ҳам илм ҳосил қилиш воситаларидан бири бўлиб, бешта сезги (*кўриш, эшитиш, ҳидлаш, татиш, пайпаслаш*) ва унга боғлиқ тана аъзолари (*кўз,*

<sup>13</sup> Али Қушчи “Янги шарҳи” га Даввонийнинг “Янги ҳошия”си. Гарвард университети кутубхонаси. Қўлёзма №OL22800.10.5F. 1301/1884 й. электрон нусха. -Б.2.

<sup>14</sup> Мотуридий. Китоб ат-тавҳид. -Ж. 1., -Б. 10.

<sup>15</sup> Қаранг: Саъдий. Шарҳ ал-Ақоид.-Б.37.

<sup>16</sup> Ўша манба.-Б.38.

<sup>17</sup> Масалан, ҳасан ҳадис саҳиҳ даражасида эмас. Иккови ҳам оҳод ва зонний бўлса ҳам, ҳасандан саҳиҳ юқори, асаҳҳус-саҳиҳ ундан-да юқори, уларнинг ҳар бири ўз зоннийлик даражасига муносиб тасдиқланади. Аммо, мутавотир даражасига кўтарилган бўлса, у қатъий-яқиний илм даражасига муносиб тасдиқланади. Шунингдек, тасдиқ ва жазмли тасдиқ ўртасини фарқлаш зарур. Жазмли тасдиқ бу яқиний илмга тенгдир. Барча ақида олимлари “яқиний илм” га таъриф беришганда, уни жазмли тасдиқ дейишади. Демак, жазмли бўлмаган тасдиқ ҳам бор, унинг муқобилида зонний тасдиқ ҳам бор. Жазмли бўлмаган тасдиқ, жазмли бўлган тасдиқ ва тақзиб (ёлғонга чиқариш)нинг ўрта поғонасида бўлади.

қулоқ, бурун, тил, қўл-оёқ) нақл қилган, узатган маълумотлар ақл воситасида таҳлил (индуктив, дедуктив, мушоҳада, қиёс, хулоса) қилинади<sup>18</sup>.

Аслида оддий мусулмон аҳолининг эътиқоди содда ва саноқли масалаларга фақат эътиқод қилиш билан кифояланган. Мураккаб илмий баҳслар эса, фақат тор доирада, муайян гуруҳлар билан чеклангани тарихдан маълум.

Аҳли сунна ақидасига оид бош мавзулар илоҳиёт, нубувват, кавниёт, ғайбиёт (самъиёт) ва бошқа турли масалаларни ўз ичига олади. Уларни тушуниш ва талқин этишда нақлий ёки ақлий усулга кўра, тарихда мусулмонлар ўртасида бўлиниш ва ихтилофлар келиб чиққан. Ҳозирда ҳам турли оқимларнинг хуружи айни шу мавзуларга боғлиқ. Гоҳида, бу соф эътиқодий мавзуларни сиёсийлаштириб, тинч мусулмон аҳоли ўртасида ва давлатлар ўртасида сиёсий муаммолар келиб чиқмоқда. Улар ичида илоҳиёт масалаларини нақлий ва ақлий далиллаш мавзуси энг кўп ихтилофларга сабаб бўлган масалалардан бўлган ва бўлмоқда.

Қуръон ва суннатдаги ақида масалаларида ҳарфийлик, зоҳирийлик, юзакилик оқибатида бошқа масалаларда ҳам янглишувларга олиб бормоқда. Масалан, куфр, ширк, жиҳод, ҳижрат, шаҳидлик кабилар ҳақидаги оят ва ҳадисларни айнан юзаки тушуниш натижасида турли зўравонлик ва қонтўқишлар бўлгани кўпчиликка аён. Бугунги кунда ислом ақидасини юзаки, ҳарфий талқин этаётган тоифаларнинг хатарлари шундаки, улар фикҳий ва ақидавий матнларни ҳарфий, шаклий талқин этиб, пировардида анъанавий мусулмон жамиятларида ихтилофга сабаб бўлмоқдалар.

Хуллас, ақидавий матнларнинг аслиятини инкор этмай, рационал тадқиқ қилиш ҳам истисно қилинмайди. Лекин, муаммо шундаки, бугунги айрим ақидавий ихтилофларнинг илдизлари исломнинг илк давригача боғланган. Дастлаб, бундай ихтилофлар аҳли суннанинг аксар уламолари ва давлат раҳбарлари томонидан қатъий таъқиқлар билан бостирилган. VII асрда ақидавий масалаларга оид муташобех оятлар ҳақидаги ихтилофли саволларни кўзгаган Субайғни<sup>19</sup> Умар б. Хаттоб фитначи, дея жазолагани, VIII асрда Аллоҳнинг аршга “истиво” қилгани масаласида савол сўраган кишини Молик б. Анас бидъатчи, деб баҳолагани каби тарихий воқеалар бунга мисол бўла олади.

Кейинчалик, ихтилофчилар кўпайиб, ҳатто давлат бошқарувида ҳам иқтидорга эга бўлиб, катта фитналарга сабабчи бўлганлар (мўътазила, қарматия). Бу даврга келиб, олимлар ўртасида очик илмий баҳсларга ўтилди. Ҳар бир томон ўзининг мутлақ ҳақ, соф эътиқод эгаси эканлигини исботлашга уриниши асносида фақат диний матнларни нақл қилишнинг ўзи кифоя қилмай қолди. Илмий баҳс услубларининг ҳар турлисидан максимал унумли фойдаланишни давр тақазо қиларди. Мантиқий, фалсафий, диалектик, каломий, ақлий, қиёсий, мажозий, тамсилий каби услублар шулар жумласидан эди.

Мотуридий ва Ашъарий каби ўз давридаги имомларига кейинчалик нисбат берилган мотуридия ва ашъария ақидавий мактаблари, улар асос солган усул қоидаларини қўллаган ҳолда шогирд ва издошлари томонидан шакллантирилган ҳамда ривожлантирилган. Улар ўз даврида бидъатчи гуруҳларнинг фитнасига қарши туриб, соф маърифий ислом ақидасини ҳимоя қилган олимларнинг намояндаси сифатида тарихда ўчмас из қолдирган. Илоҳиёт масалаларини нақлий ва ақлий далиллашдаги Али Қушчининг методологияси мазкур аҳли сунна ақида мактаблари билан мувофиқдир.

<sup>18</sup> Қаранг: Саъдий. Шарҳ ал-Ақоид.-Б.37.

<sup>19</sup> Субайғ (Абдуллоҳ Сабиғ) б. Асал (Исл) Ироқий Тамимий (VII аср).